
ДХМлар эндиликда ҳафтанинг шанба куни ҳам ишлайди

Халқ фикри ва истакларини ўрганиб чиққан ҳолда, давлат хизматлари агентлиги иш кунларини кўпайтирди. Агентликнинг Фарғона вилоят бошқармаси матбуот хизмати [маълум қилишича](#), эндиликда мамлакатимизда давлат хизматлари марказлари **ҳар шанба соат 9.00 дан 15.00 гача** хизмат кўрсатади.

Бу ҳолатда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳам инобатга олинган. Яъни 1-3 нафар ходимнинг иш кунларидаги кунлик иш соати ихтиёрийлик асосида **8 соатдан 7 соатга қисқартирилади** ва ходим иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига **40 соатдан ошмайди**.

Изоҳ: ҳар ҳафта хизмат олувчилар оқими таҳлил қилиб борилади. Агар мунтазам равишда шанба куни фуқаролар ташрифи кузатилмаса, ушбу марказларда хизмат кўрсатилмаслиги мумкин.

2020-10-13 11:04:13